Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамияти

Мен, Кашкадарё вилояти Карши шаҳри Шибаева кучаси 1-уй 15-хонадонда (тел. (99891) 2228261, (0375) 53 24 254. mail: Zamin_oil_audit@mail.ru) жойлашган Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Зулфикоров Худойберди Назарович Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 5-феврал куни жамият «Низом»и руйхатга олиниб, берилган № 64-сонли гувохномага ва Узбекистон Молия Вазирлиги томонидан жамиятга 2009 йил 24-июлдаги берилган «Барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви» ни амалга ошириш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи 00387-сонли лицензияга ва «Узагросугурта» АЖ Кашкадарё вилоят филиали Карши шахар булинмаси томонидан 5-январь 2018 йилда берилган 0136508–сонли «Аудиторлик жавобгарлигини сугурта килиш» Полисига эга, хисоб раками 20208000904162711001 «Узсаноаткурилишбанк» Карши шахар минтакавий булими, СТИР 203869896 МЧЖ «ZAMINOIL-AUDIT» Аудиторлик ташкилоти билан «Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамияти уртасида 05.01.2018 йилда тузилган №6-сонли шартномага асосан «ZAMINOIL-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Зулфикоров Худойберди Назарович томонидан Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22-декабрь куни берилган 05543-сонли аудитор малака сертификатига мувофик хўжалик юритувчи субъект «Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31-декабрь холатидаги хисоботлари 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот», 4-шакл «Пул окимлари» тугрисидаги хисобот, 5-шакл «Хусусий капитал» тугрисидаги молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамиятнинг 2017 йил 31- декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари, аудитор **Зулфикоров Х. Н.**

20-март 2018 йил

«Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 1-январдан 31-декбргача булган даврдаги молиявий хисоботлари тахлили натижалари юзасидан тузилган

АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

20- март 2018й **Самарканд шахри**

I. К и р и ш

Аудиторлик хисоботи:	«Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамиятига
Юридик манзили:	Самарканд вилояти, Самарканд шахар Якубовский кучаси 4 -уй
Банк реквизитлари:	Хисоб раками: 20208000904162711001 АТБ Агробанкнинг Самарканд филиали МФО 00279 СТИР 201328304 МШТ 114 ТХШ 1150 КТУТ 00960349 МХОБТ 1718401 ОКЭД : 10601
Телефон раками:	(0366) 239-55-04, Факс 239-55-01, 239-55-03

Аудиторлик хисоботи МЧЖ "ZAMIN OIL-AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан тайёрланди.

Аудиторлик ташкилоти тугрисида маълумот:

Аудиторлик ташкилоти номи:	МЧЖ "ZAMIN OIL-AUDIT" аудиторлик ташкилоти
Манзил:	Карши шахар. Шибаев кучаси 1-уй 15-хона Почта индекси 180001
Давлат руйхатидан утказилганлиги тугрисида маълумот	Адлия вазирлигининг 2002 йил 5-февралдаги карорига асосан 64–ракам билан руйхатдан утказилган.
Аудиторлик лицензияси	Молия вазирлигининг 2009 йил 24 июль АФ № 00387-сонли "Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия"си
Фаолиятининг сугурталанганлиги:	Аудиторлик ташкилотининг профессионал жавобгарлиги тугрисидаги сугурта полиси 2017 йил 5 январда №102908 «УЗАГРОСУГУРТА» АЖ Кашкадарё вилоят Карши шахар

булинмаси томонидан берилган

Банк реквизитлари:
ДАТ

Хисоб раками: 20208000900208423001

«УЗСКБ» Кашкадарё вилоят минтакавий филиали Карши шахри МФО 00854, ИНН 203869896 ОКЭД 69202

Аудитор:

Х. Н. Зулфикоров.
Аудиторлик малака сертификати № 05543
2017 йил 22 декабрь

Аудиторлик текшируви утказиш учун асос: 2018 йил 5-январдаги 6- сонли шартнома

УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Корхона ташкил этилишининг хукукий асослари. Самарканд вилояти, «Самаркандонмахсулотлари» aksiyadorlik jamiyati (бундан кейин «жамият» деб юритилади)нинг устави Самарканд шахар хокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси томонидан 2016 йил 29-июлда № 14387-реестр раками билан давлат руйхатидан утказилган.

Жамият Низомига асосан асосий фаолият тури куйидагилардан иборат:

Узбекистон Республикаси истеъмолчиларининг юқори истеъмолчилик хусусиятларига эга булган навли унни ва шунингдек, омухта ем ва бошка нон махсулотларига эга булган эхтиёжларни кондириш буйича ишлаб чикариш. тадбиркорлик ва бошка иктисодий фаолиятларни амалга ошириш.

- Хом ашёни (бошокли дон ва озукабоп дон) кабул килиш, саклаш, юкори истеъмолчилик хусусиятларига эга булган навли ун, ёрма ва омухта ем ишлаб чикариш ;
- Ундан турли хил махсулотларни, шу жумладан нон. макарон ва кандолат махсулотларни ишлаб чикариш;
- Галла экинлар донини тайёрлаш ва экиш учун кишлок хужалиги корхоналари ва шахсий томорка хужаликларига етказиб бериш;
- Кишлок хужалик махсулотларини ишлаб чикариш, харид килиш, кайта ишлаш, кадоклаш ва сотиш;
- Чорвачилик ва паррандачилик фаолияти, чорва ва парранда устириш ва сотиш;
- Ишлаб чикарувчи ва истеъмолчилар билан бевосита узаро фойдали алокаларни урнатиш ва ривожлантириш, тижорат-воситачилик хизматларини амалга ошириш;
- Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилиги билан белгиланган тартибда ташки иктисодий фаолиятини амалга ошириш;
- Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилиги билан ман этилмаган бошка фаолият турлари билан шугулланиш.

Жамиятнинг Устав жамгармаси

Жамиятнинг Устав жамгармаси 598 249 800(беш юз туксон саккиз миллион икки юз кирк туккиз минг саккиз юз) сумдан иборат. Устав жамгармасида хар бирининг номинал киймати 1800 сумдан иборат булган 332 361(уч юз уттиз икки минг уч юз олтмиш бир) дона номи ёзилган оддий ва имтиёзли акциялардан ташкил топган булиб, улар 2018 йил 1-январ холатига акциялар куйидагича таксимланган:

- «Уздонмахсулот» АКнинг улуши 51.0 % 305 107 200 сум булган 169 504 дона акция;

- Юридик шахслар улуши 29.92 %, яъни 179 002 800 сум булган 99446 дона акция;

- Жисмоний шахслар улуши 19.08 %, яъни 114 139 800 сум булган 63411 дона акция (Илова № 1)

Аудиторлик текшируви жамият рахбари огохлигида, жамият бош хисобчиси иштирокида аудиторлик ташкилоти ва жамият рахбарияти тасдиклаган аудит дастури асосида утказилди (Илова №_2_)

Жамият бошкаруви

«Самаркандонмахсулотлари» aksiyadorlik jamiyati бошкарувида 2017 йил 1-январдан 31-декабрь кунига кадар ва текширув даврида куйидаги рахбар ходимлар ишлаган:

1. Исмоилов Баходир Нуриддинович — Жамият раиси лавозимида 2015 йил 4-августдан 2017 йил 2-июнгача ишлаган.

2. Файзиев Азамат Халимович — Жамият раиси лавозимида 2017 йил 2-июндан хозирги кунгача ишлаб келмокда.

3. Шербоев Комилжон Рахмонбердиевич — Бош хисобчи лавозимида 2015 йил 1- декабрдан хозирги кунгача ишлаб келмокда. (Илова № 3)

2016 йил фойдасининг таксимланиши

Умумий йигилишнинг 2017йил 19-майдаги 1-сонли карорига асосан 2016 йилда олинган 311 804 минг сум соф фойда куйидагича таксимланган:

- соф фойданинг 80 фоизи, яъни 249 270 750 суми девидент тулашга йуналтирилган, 1 дона акцияга 750,0 сумдан девиденд хисобланган. Хисобланган девидендларга девиденд солиги хисобланган ва тулаб берилган;
- соф фойданинг 15 фоизи, яъни 46 943 050 суми жамиятни ривожлантириш фондига йуналтирилган.
- соф фойданинг 5 фоизи, яъни 15 590 200 суми мехнатни мухофаза килиш жамгармасига ажратилган. (Илова №_1_)

II. ТАХЛИЛИЙ КИСМ

Мазкур аудитни утказишдан максад: «Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамиятида 2017 йил мобайнида утказилган молиявий хужалик фаолити операцияларининг конунийлиги, тузилган молиявий хисоботларнинг ишончлилиги, туликлиги, бухгалтерия хисобини юритишнинг амалдаги меъёрларига амал килинганлиги юзасидан фикр билдиришдир.

Аудиторлик текшируви Узбекистон Республикасининг амалдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конуни (26.05.2000й) ва Аудит Миллий андозалари хамда Узбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи бошка меъёрий хужжатлар ва коидаларига мувофик утказилди.

Аудит жараёнида хужжатли текшириш усули кулланилиб, хисоботлар куйидаги хажмларда танлама усулида куриб чикилди:

- йиллик молиявий хисоботлар шаклий ва арифметик жихатдан горизонтал ва вертикал тарзда;

- хисоб юритишнинг кабул килинган журнал-ордер тизими бирламчи хужжатларини аудит текшируви учун зарур булган хажмда;

- бошка ишлаб чикариш омилларининг ички хисоб тизимига таъсирини бахолаш.

Аудиторлик текширувини утказиш мобайнида куйидаги меъёрий ва ахборот манбаларидан фойдаланилди:

- Узбекистон Республикасининг Аудиторлик фаолияти Миллий андозалари;
- Узбекистон Республикасининг Бухгалтерия хисоби миллий андозалари;
- Узбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги конуни;
- Узбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тугрисида» ги конуни;
- Узбекистон Республикасининг солик кодекси;
- Утказилган текширувлар буйича далолатномалар;
- Жамият ходимлари тайёрлаган маълумотлар;
- Бошка ахборот ва маълумотлар.

Томонлар жавобгарлиги: «Самарканддонмахсулотлари» акциядорлик жамияти ижро органи рахбарияти аудиторга такдим этилган материалларнинг туликлиги ва хакикийлиги учун жавобгардир, аудитор жавобгарлиги такдим этилган материаллар асосида аудиторлик хисоботини тузиш ва аудиторлик хулосасини беришдан иборатдир.

ЖАМИЯТДА ИЧКИ НАЗОРАТ ХОЛАТИ

Жамиятда ички назорат бошкаруви ташкилий жихатдан ва моддий-ресурслар бутлиги юзасидан урнатилган. Товар моддий кимматликлар тулик моддий жавобгарлик буйича тузилган шартномалар асосида жавобгар шахсларга беркитилган, уларнинг буст-бутун сакланиши устидан назорат урнатилган, материал кимматликларнинг чикими ва асосий воситаларни фойдаланишга кабул килиш ва чиким килиш буйича комиссияси тузилган. Асосий воситаларни фойдаланишга кабул килиш далолатномалари расмийлаштирилган, асосий воситалар буйича инвентар карточкалари юритилган, инвентар ракамлари берилган. Счёт фактураларни руйхатга олиш журнали юритилган, шартномаларни руйхатга олиш китоби белгиланган тартибда юритилган.

Жамиятда юрист ва ички аудит хизмати фаолият курсатиб келган.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА ХИСОБОТЛАРИ

Хисоб сиёсати

«Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» деб номланган Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий андозаси № 1 (БХМА) талабларига кура жамиятнинг хисоб сиёсати бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботларини тузиш максадида ишлаб чикилган.

Бухгалтерия хисобини юритиш методларига хужалик фаолиятида активлар кийматини копланиши, ташкилотлар хужжатлари айланмаси кирими, санокдан утказилиши, бухгалтерия хисоби счётларнинг кулланиши, хисоб регистрларининг системаси, маълумотлари ва унинг йуналишлари тахлили киради.

Жамиятда ишлаб чикилган хисоб сиёсати асосида бухгалтерия хисоби Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг № 21- сонли, Адлия Вазирлигининг 22- октябрдаги № 1181-сонли раками билан руйхатдан утган, Молия вазирлигининг 2002 йил 09- сентябрдаги №

103-сонли буйруги билан тасдикланган «Янги счётлар режаси тугрисида»ги бухгалтерия миллий андозалар талаблари асосида юритилган.

Аудитор тавсияси: «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» деб номланган Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий андозаси № 1 (БХМА) талабларига кура жамиятнинг хисоб сиёсатини янада такомиллатиб бориш ва бухгалтерия хисобини юритишда унга катьиян амал килиб бориш.

Бухгалтерия хисобининг юритилиши амалиёти.

Жамиятда бухгалтерия хисоби журнал-ордер системасида компьютер техникасидан фойдаланиб юритилган, бухгалтерия хисобини юритишнинг 1-С программасига утилган.

Жамиятда бухгалтерия хисоби амалдаги "Бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун" ва шу конун асосида ишлаб чикилган меъёрий хужжатлар. БХМСлар асосида юритилган, жумладан 21- БХМС "Хужалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хужалик фаолияти бухгалтерия хисоби счетлар режаси ва уни куллаш буйича йурикнома" талабларига амал килинган.

Бухгалтерия хисоботини юритишда «Махсулот ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш» тугрисидаги Низомга амал килинган, даромад ва харажатлар таркибини тугри туркумланган.

Жамиятнинг молиявий хисоботлари - "Бухгалтерия баланси"-1-шакл, "Молиявий натижалар тугрисидаги хисобот"- 2-шакл, "Пул окимлари"- 4-шакл, "Хусусий капитал тугрисидаги хисобот"- 5-шакл хисоботлари белгиланган тартибда тузилиб, белгиланган жойларга топшириб келинган. (Илова № 4,5,6,7).

Жамият умумбелгиланган тартибдаги солик туловчиси хисобланиб, белгиланган тартибда солик ва баланс хисоботларини белгиланган жойларга топшириб келган.

Товар моддий захиралари аудити

Жамиятда товар материал кимматликлар(ишлаб чикариш захиралари)нинг кирими ва фойдаланишга чикариш хисоби бухгалтерия хисобининг 1000,1500,1600 счётларида юритилган. Материал кимматликларнинг кирими мол етказиб берувчиларнинг счет-фактуралари, ички алмашинув юк хатлари асосида амалга оширилган булса, унинг чикими жамият раиси (уринбосарлари) томонидан тасдикланган ва бош хисобчи хамда комиссия аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланган чиким далолатномаларига асосан амалга оширилган. Моддий жавобгар шахслар томонидан материал хисоботлар тузилиб, жамият бухгалтериясига топширилиб борилган, хисоботлар ойма-ой китоб шаклида тикиб борилган. Аммо жамиятга кирим килинаётган товар моддий захираларига "Кабул килиш далолатномаси"(Приемный акт) тузилмаган.

Жамият буйича 01.01.2017 йил холатига ишлаб чикариш захиралари колдиги 42 604 604 571 минг сумни ташкил этиб, уларнинг 01.01.2018 йилга колдиги 36 389 490 минг сумни ташкил килган, ишлаб чикариш захиралари йил бошига нисбатан 6 215 081 минг сумга камайган. (Илова № 8)

Жамият буйича тайёр махсулотлар колдиги 01.01.2017 йил холатига 841 423 минг сумни ташкил килган булса, бу курсаткич йил охирига келиб 884 468 минг сумни ташкил килган, тайёр махсулотлар колдиги йил бошига нисбатан 43 045 минг сумга ошган.

Жамият буйича товарлар колдиги 01.01.2017 йил холатига 141 922 минг сумни, йил охирига эса 1 423 232 минг сумни ташкил килган ёки товарлар колдиги йил бошига нисбатан 4 649 927 минг сумга ошган

Жамият раиси томонидан санок утказиш тугрисида курсатма булмаганлиги туфайли моддий жавобгар шахслар жавобгарликларидаги асосий воситалар, товар материал кимматликлар буйича санок утказилмади.

Жамиятнинг 02.12.2017 йилдаги № 205-сонли буйруги асосида Товар ,моддий кимматликлар, асосий воситалар, ёрдамчи материаллар инвентар ва хужалик жихозлари» санокдан утказилган. Санокдан утказиш натижалари буйича камомат ва ортикча чикишлар аникланмаган.

КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Касса хужжатларини юритилишини аудит текшируви жараёнида урганилганда Узбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 24-январдаги 376-сонли ва Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрь № 565 ракам билан руйхатга олинган «Хужалик юритувчи субъектларда касса операцияларини юртиш тартиби тугрисида» ги йурикнома асосида олиб борилганлиги аникланди.

Жамиятда хазинада хазина колдиги 01.01.2017 йил холатига 1733440,33 сум булган. 2017 йил давомида жамият хазинасига савдо тушуми 3 074 592 873 сум, бошка тушумлар 117 268 392,97 сумни, банкдан олинган иш хаки учун 2 112 958 209 сум, моддий ёрдам учун 5490000 сум, пенсия тулови учун 30 384 316 сум, 2 ёшгача нафака учун 3 540 000 сум, мехнатда майибланиш нафакаси учун 540 000сум, хизмат сафари учун 38 297 150 сум, диведенд учун 31 082 686 сум олинган булиб, жами кирим 5 414 777 256,81сумни ташкил килинган. Жамият кассасига тушган савдо тушуми 3 074 592 873 сум, бошка тушумлар 117 268 392,97 сум, жами тушум 3 191 861 265,97 сум тулигича банкга топширилган. Банкдан олинган 2 217 351 361 сум накд пуллар уз йуналишлари буйича максадли сарфланган.

2018 йил 1 январь холатига 1 109 810,33 сум хазина колдиги колган. (Илова № 9,9а_)

2017 йил иш хаки ва бошка туловларнинг колган суммалари ишчи-хизматчиларнинг пластик карточкалари оркали амалга оширилган. Кассага накд пул маблаглари уз вактида кирим ва чиким килинган. Касса китоби юкорида белгиланган тартиб ва талаблар даражасида юритилган.

Касса хужжатларини текширишдан утказилганда операцияларнинг бузилиши холатлари аникланмади.

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Жамиятнинг хисоб ракамлари АТБ "Агробанк"нинг Самарканд филиалида очилган. Куйидаги хисоб-китоб ракамларида 2018 йил давомида банк хисоб-китоб операциялари юритилган:

1. Жамиятнинг асосий хисоб ракамларида 01.01.2017 йил холатига колдик 9 900 минг сумни, йил давомида жами кирим 35 560 730 минг сумни, жами чиким 35 373 469 минг сумни, 01.01.2018 йилга колдик 197 161 минг сумни ташкил килган.

2. Жамиятнинг бошка махсус хисоб ракамларида 01.01.2017 йил холатига колдик 70 402 минг сумни, йил давомида жами кирим 125 761 842 минг сумни, жами чиким 125 782 742 минг сумни, 01.01.2018 йилга колдик 49 502 минг сумни ташкил килган. (Илова № 10)

- Асосий воситаларни саклаш буйича маъсул шахслар билан тулик моддий жавобгарлик тугрисида шартномалар тузилган;
- Асосий воситалар хисобига доир дастлабки хужжатларнинг унификацияланган(ягона шаклга келтирилган) шакллари тулик кулланилган;
- Асосий воситалар кодификатори ишлаб чикилмаган;
- Аналитик хисоб маълумотлари синтетик хисоб рестрлари билан уз вактида таккослаб борилган;
- Асосий воситаларга амортизация ажратмалари тенг маромли хисоблаш усули- тугри чизикли усулда хисоб сиёсатида ишлаб чикилган меъёрлар буйича хисоблаб борилган.

Узок муддатли инвестициялар

Жамия балансида 01.01.2017 йил холатига узок муддатли инвестициялар колдиги 462 560 минг сумни, йил охирига 1 235 825 минг сумни ташкил килган. Шу жумладан:

- Кимматбахо когозлар 01.01.2017 йил холатига 388 560 минг сумни ташкил этган булса, бу курсаткич 01.01.2018 йил холатига хам 388 560 минг сумни ташкил килган.

- Бошка узок муддатли инвестициялар 01.01.2017 йил холатига 74 000 минг сумни ташкил килган. Йил давомида маъсулияти чекланган жамиятларга 773 265 минг сумлик инвестициялар киритилган. Йил охирида узок муддатли инвестициялар колдиги 847 265 минг сумни ташкил килган.(Илова № 13)

Урнатиладиган асбоб - ускуналар

Жамият буйича 01.01.2017 йил холатига 123, 144 минг сумлик урнатиладиган асбоб ускуналар колдиклари булган булса, бу курсаткич 01.01.2018 йил холатига 100 296 минг сумни ташкил килган. (Илова № 14)

Капитал куйилмалар

Жамият буйича капитал куйилмалар 01.01.2017 йил холатига 684 452 минг сумни, Йил давомида 225 778 минг сумлик капитал куйилмалар, яъни тугалланмаган курилишлар буйича ишлар бажарилган ва йил давомида капитал куйилмалар ишга туширилмаган. Йил охирига капитал куйилмалар колдиги 898 409 минг сумни ташкил килган.

Ишонч когозларининг юритилиши

Жамиятда 2017 йил давомида 1 дан 671 номергача ишонч когозлари моддий жавобгар шахсларга берилган. Шундан 53 дона ишонч когозлари фойдаланилмаган. Фойдаланилмаган ишонч когозлари кайтариб олиниб, алохида тикиб куйилган. Ишонч когозлари берилиши лозим булган ходимлар руйхати жамият буйруги билан тасдикланган.

Ишонч когозларини руйхатга олиш китоби белгиланган тартибда юритилган, ракамланган, ип билан шнурланган ва мухрланган.

Сотилган махсулот, бажарилган иш ва хизматлар хажми

Жамиятнинг 2017 йилги молиявий натижалар тугрисидаги хисоботи буйича акциядорлик жамияти 2017 йилда махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан кушилган киймат солигисиз 79 933 475 минг сумлик даромад олган. Сотилган махсулот (товар, иш,

хизмат) ларни таннархи 69 367 312 минг сумни ташкил этган (Илова № 15) булиб, 1000 сумлик махсулот ишлаб чикариш учун 867.81 сум сарфланган. 2016 йилда эса махсулот (товар иш ва хизмат) ларни сотишдан 64 447 687 минг сумлик даромад олган. Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи 55 177 635 минг сумни ташкил этиб, 1000 сумлик махсулот ишлаб-чикариш учун 856.16 сум сарфланган. Демак жамият утган йилга караганда 15 485 788 минг сумм куп даромад курган.

Жамиятнинг асосий фаолиятининг бошка даромадлари 577 781 минг сумни, молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари(дивидент шаклидаги) 9 555 минг сумни ташкил килган(Илова №16)

Жамиятнинг давр харажатлари 14 774 496 минг сумни, шу жумладан сотиш харажатлари 582 593 минг сумни, маъмурий харажатлар 2 187 433 минг сумни, бошка операцион харажатлар 12 004 470 минг сумни ташкил килган (Илова № 17)

Жамиятнинг молиявий фаолияти буйича харажатлари 2 102 789 минг сумни ташкил килган. Молиявий фаолиятнинг харажатларининг хаммаси банкнинг киска ва узок муддатли кредитларининг фоизларини ташкил килади(Илова № 17))

Жами даромадлари 80 520 811 минг сумни, жами харажатлари 86 244 597 минг сумни ташкил килиб, умум хужалик фаолиятининг зарари 5 723 786 минг сумни ташкил килган. Фойда солиги 501 895 минг сумм тулангандан кейин хисобот даврининг соф зарари 6 225 681 минг сумни ташкил килган.

Аудит текшируви натижалари буйича давр харажатларининг бошка операцион харажатларига тулик эскирган асосий воситалар (асбоб-ускуналар)га хисобланган 0,25% солик 4243,3 минг сум кушилиб, бошка операцион харажатлари 12 008 713,3 минг сумни ташкил килди.

Даромадларни тан олишда 3-БХМС коидаларига ва «Махсулот (ишлар ва хизматлар) ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларини шакллантириш таркиби тугрисида»ги низом коидаларига тулик холда риоя килинган.

Аудиторлик тахлили натижасида аникланган даромадлар ва харажатлар жамиятнинг 2017 йил йиллик баланси даромадлари ва харажатлари билан солиштирганда натижалар куйидагича:

Т/р	Курсаткичлар номи	Жамият хисоб-китоб буйича		Аудит хисоб-китоби буйича		Фарк	
		Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
1.	Махсулот сотиш соф тушум	79933475		79933475		-	-
2.	Сотилган махсулот таннархи		69367312		69367312	-	-
3.	Махсулот сотиш ялпи фойдаси	10566163		10566163		-	-
4.	Давр харажатлари жами шундан		14774496		14774496	-	-
5.	Сотиш харажатлари		582593		582593	-	-
6.	Маъмурий харажатлар		2187433		2187433	-	-
7.	Бошка операцион харажатлар		12004470		12008713,3	-	4243,3
8.	Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	577781		577781		-	-
9.	Асосий фаолиятнинг зарари		3630552		3634795,3	-	4243,3
10.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари: шу жумладан	9555		9555		-	-
	Дивидент шаклдаги даромад	9555		9555		-	-
11	Молиявий фаолият буйича харажатлар жами:		2102789		2102789	-	-
	Шу жумладан фоизлар шаклидаги харажатлар		2102789		2102789	-	-
12	Фойда солиги тулагунга		5723786		5728029,3	-	4243,3

	кадар зарар					
13	Фойда солиги		501896		476239,0	-	4243,
14	Хисобот даврининг соф зарари		6225681		6204268,3	21412,7	

Аудит текшируви давомида жамиятнинг сотилган махсулот, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар, даромад ва харажатлари буйича фарк аникланмади.

Дебитор ва кредитор карзлар

Жамиятнинг 2017 йил 01- январь холатига жами дебиторлик карзи 59 030 211 минг сумни, йил охирига 53 269 464 минг сумни ташкил этган. Дебитор карзлар йил бошига нисбатан 5760747 минг сумга камайган. 2018 йил 1-январь холатига дебитор карзлар куйидагилардан ташкил топган: Харидор ва буюртмачилар карзи 331 120 минг сум

Шуъба ва карам хужалик жамиятлари карзи 9 811 041 минг сум

Ходимларга берилган бунаклар 72 893 минг сум

Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунаклар 42 313 878 минг сум

Бюджетга солик ва йигимлар буйича бунак туловлари 725 323 минг сум

Бошка дебитор карзлар 15 209 минг сум

Юкоридагилардан куриниб турибдики, дебитор карзларнинг асосий кисмини мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунаклар ташкил килган.

Жами кредиторлик карзлари йил бошига 21 259 174 минг сумни, йил охирига 23 494 364 минг сумни ташкил килган. (Илова 18)

Кредитор карзлар йил бошига нисбатан 2 235 190 минг сумга купайган. 2018 йил 1-январь холатига кредитор карзлар куйидагилардан ташкил топган:

Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга карзлар 2 207 790 минг сум

Шуъба ва карам хужалик жамиятларга карз 6 251 523 минг сум

Солик ва мажбурийтуловлар буйича узок муддатли кечиктирилган карзлар 10 962 110 минг сум

Олинган бунаклар 651 064 минг сум

Бюджетга туловлар буйича карз 1 688 минг сум

Максадли давлат жамгармаларига туловлар буйича карз 2 298 842 минг сум

Таъсисчиларга булган карзлар 563 867 минг сум

Мехнатга хак тулаш буйича карз 483 769 минг сум

Аудитор тавсияси: Муддати утган дебитор карзларни ундириш чорасини куриш, барча дебиторлик карзлар билан тулигича солиштирма далоланомаларни тузиш, кредитор карзларни тулаб бериш чора тадбирларини куриш лозим.

Ишчи ва хизматчиларга хисобланган иш хаки ва унга тенглаштирилган туловлар буйича хисоб-китоблар аудити

Жамиятнинг ишчи ва хизматчиларига хисобланган мехнат хаклари хисобланишларини Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23-октябрда 1181-сон билан руйхатга олинган, Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9-сентябрдаги

03-сонли буйруги билан тасдикланган Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (21-БХМС) "Хужалик юритувчи субьектларнинг молиявий хужалик фаолияти бухгалтерия хисоби счётлар режаси ва уни куллаш буйича йурикнома"лари хамда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5-февралдаги 54-сонли карори асосида ишлаб чикилган "Махсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида"ги ва унга киритилган охирги узгартиришлар асосида ишлаб чикилган низом асосида ишчи хизматчиларга хисобланган иш хаки ва унга тенглаштирилган туловларни текшириб курганимизда куйидагилар аникланди:

Жамият хисоб-китоб булими такдим килган маълумот буйича иш хаки ва бошка туловлар буйича 01.01.2017 йил холатига карздорлик 557 834,5 минг сумни ташкил килиб, йил давомида жамият ходимларига 6 299230,3 минг сум иш хаки ва бошка хар хил туловлар хисобланган. Шундан 2017 йил давомида 6 426 608,3 минг сум хар хил ушланмалар ва туловлардан кейин 2018 йил 1-январ холатига ишчи хизматчиларга иш хаки ва бошка хар хил туловлардан булган карздорлик 459 051,5 минг сум колган.(Илова № 19) Ушбу маълумот баланс курсаткичлари билан солиштирганда уртадаги фарк ходимларга берилган аванс суммаларига тугри келиши маълум булди.

Мехнатга хак тулаш буйича хисоб-китобларнинг бирламчи хужжатларини кетма-кетликда танлов асосида текшириб курганимизда мехнатга хак тулаш буйича иш вактини хисобга олиш табеллари , жамият буйруклари, ишбай ишлар учун нарядлар, бажарилган ишларни хисобга олиш варакалари, йул варакалари, тулов ведомостлари, асосий ва кушимча таътил хужжатлари ва бошка тулов хужжатлари тугри расмийлаштирилганлиги, уларда маъсул шахларнинг имзолари мавжудлиги аникланди.

Иш хаки хисоблашнинг тугрилиги ва асосланганлиги текшириб курилганда шахсий хисоб варакалар буйича иш хакидан ушланмалар, ижро варакалар-алиментлар, жарималар, моддий зарарни коплашлар, ходимларнинг аризалари буйича ушланмалар тугри бажарилганлиги аникланди.

Солик ва мажбурий туловлар хисобланишининг аудити

Жамиятнинг 2017 йилги солик ва мажбурий туловлар хисобланишини ва давлат бюджетига утказилиши Узбекистон Республикаси Президентининг "Узбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий ва макроиктисодий курсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тугрисида"ги карори ижроси юзасидан аудит текширувидан утказганимизда куйидагилар аникланди:

Кушилган киймат солиги

Жамият томонидан 2017 йил давомида хисобланган ККС ни Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29-апрелда № 1238-сон билан руйхатга олинган Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 43- сон ва Давлат солик кимитасининг 37-сонли 2003 йил 7 –мартдаги карори билан тасдикланган "Ишлаб чикариладиган ва сотиладиган товарлар(ишлар, хизматлар) буйича ККС ни хисоблаш ва тулаш тугрисида"ги йурикнома ва унга булган кейинги узгаришлари талаблари асосида бухгалтерия бирламчи хужжатлари ва бухгалтерия богланмалари тахлиллари буйича аудит текширивидан утказганимизда куйидагилар аникланди:

Жамиятнинг 2017 йилда Товарлар,ишлар, хизматларни реализация килиш обороти жами 79933475 минг сумни ташкил этган булиб, шундан 30 169 380 минг суми солик солинмайдиган тушум булиб, унга Узбекистон Республикасининг 22.09.2004 йилдаги 440-сонли карори 8-бандига асосан имтиёз берилган. Солик солинадиган оборот 49 764 095 минг сумни, унинг 20% ккс суммаси 9 952 819 минг сумни, хисобга(зачетга) олинадиган товарлар, ишлар, хизматларнитнг ККС суммаси 295 760.6 минг сумни ташкил этиб, жами 9 657 058,4 минг сум кушилган киймат солиги тугри хисобланган (Илова № 20)

Мол-мулк солиги.

Жамиятда мол-мулк солигининг хисобланиши юзасидан аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси ва унга киритилган кушимчалар асосида утказилди.

Жамиятда 2017 йил солик инспекциясига топширган мол-мулк солиги хисоботида асосий воситаларнинг уртача йиллик колдик киймати 7 061 939,9 минг сум, солик кодексига мувофик солик солинадиган базанинг камайтирилиши 3 134 311,1 минг сум, солик солинадиган база 3 927 628,8 минг сумни ташкил этиб, ундан 5 фоиз ставкада мол- мулк солиги суммаси 196 381,4 минг сум, норматив муддатда тугалланмаган курилиш объектининг уртача йиллик киймати 83 782 минг сумни ташкил килиб, унга 10 фоиз ставкада 8 378,2 минг сум, белгиланган муддатида ишга туширилмаган ускуналарнинг уртача йиллик киймати 115 119,5 минг сумни ташкил килиб, унга 2 баробар ставкада, яъни 10 фоиз ставкада 11 511,9 минг сум, жами 216 271,6 минг сум мол-мулк солиги хисобланган.(Илова № 21а,б,в,г) Аудит текширувида мол-мулк солиги хисоблашдан фарк аникланмади.

Ер солиги

Корхонада 2017 йилда ер солигини хисобланиши юзасидан аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси ва ва унга киритилган кушимчалар асосида утказилди.

Жамиятнинг Самарканд шахридаги 6,952га ер майдонига 18 110 347 сум ставкада 125 903132,34 сум, Окдарё туманидаги 9,9 га ер майдонига 6 864 528 сум ставкадан 28 316 178 сум, Нуробод туманидаги 5,133га ер майдонига 10 853 060 сум ставкада 55 708 756,98 сум, Жомбой туманидаги 1,448 га ер майдонига 9 262 958 сум ставкада 13 412 763 сум, Пайарик туманидаги 0,9 га ер майдонига 9 262 958 сум ставкада 3 473 609 сум, Пайарик тумани Челак ДККМ 5,5 га ер майдонига 6 864 528 сум ставкада 15 731 210 сум жами 217 411 641 сум ер солиги хисобланган ва Давлат солик инспекциясига хисобот тугри такдим этилган . (Илова № 22)

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик.

Корхонада 2017 йил давомида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликнинг хисобланиши юзасидан Узбекистон Республикаси Солик Кодекси ва ва унга киритилган кушимчалар асосида аудит текшируви утказилди.

2017 йил учун олинган сув микдори 57 272 м3 булиб, 1 м3 учун 108,5 сум ставкада 6 214,0 минг сум сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик хисобланган. (Илова № 23а,б,в,г,д)

Аудит текширувида сув ресурслардан фойдаланганлик учун солиги хисоблашдан фарк аникланмади.

Ишчи - ходимлар иш хакидан даромад солигини хисобланиши аудити

Жамиятда ходимлар иш хакидан даромад солигининг хисобланиши юзасидан аудит текшируви Узбекистон Республикаси Солик Кодекси ва унга киритилган кушимчалар асосида утказилди.

Жамият буйича 2017 йил давомида ходимларга хисобланган даромадларнинг умумий суммаси 6 299 230,3 минг сумни, солик солиш шкаласи буйича солик солинадиган даромадлари суммаси 5 417 475,0 минг сумни ташкил килиб, улардан 454 986 минг сум жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ва шахсий жамгариб бориладиган пенсия хисоби (ШЖБПХ) учун 52 047,0 минг сум тугри хисобланган.(Илова № 24)

Фойда солиги.

Корхонада фойда солигининг хисобланиши юзасидан Узбекистон Республикаси Солик Кодекси ва унга киритилган кушимчалар асосида аудит текшируви утказилди.

Корхона хисоботи буйича 2017 йил молиявий натижалар буйича фойда солигини тулагунга кадар молиявий натижаси 5 723 786 минг сум зарар, чегирилмайдиган солик базасига кайта кушилувчи харажатлар 6 691 932 минг сумни ташкил килиб, жами солик солинадиган база 6 691 932 минг сумни ташкил килган, ундан 7,5 % ставка билан 501 894,9 сум микдорида фойда солиги хисобланган.(Илова № 25)

Аудиторлик текшируви натижалари буйича 2017 йил молиявий натижалар буйича фойда солигини тулагунга кадар молиявий натижаси 5 723 786 минг сум зарар, чегирилмайдиган солик базасига кайта кушилувчи харажатлар 6349854,4 минг сумни ташкил килиб, жами солик солинадиган база 6 349 854,4 минг сумни ташкил килган, ундан 7,5 % ставка билан 476239,0 минг сум микдорида фойда солиги хисобланди.(Илова № 26)

2017 йил учун фойда солиги хисоблашда чегирилмайдиган ва солик базасига кайта кушилувчи харажатлар таркибига газеталарга обунаси суммаси 38805,2 минг сум, жамият ходимлари болаларига бериладиган янги йил совгаси суммаси 28980,0 минг сум, мехнат таътили суммаси 92502,2 минг сум, фойдаланилмаган мехнат таътили суммаси 95447,0 минг сум, касаллик варакалари суммаси 34902,6 минг сум, аёлларнинг декрет таътиллари суммаси 15008,0 минг сум, ишдан бушатиш компенсация суммаси 26857 минг сум, 2 ёшгача болалар учун туланадиган нафака суммалари 19575,5 минг сум жами 342077,5 минг сум нотугри киритилган. Солик кодексининг 147- Чегирилмайдиган харажатлар моддасида юкоридаги харажатлар кузда тутилмаган.

Аудит текширувлари натижаси буйича фойда солигидан 25 655,9 минг сум камайтиришга ёзилди.

Тулик эскирган асосий воситалар (асбоб-ускуналар) га 0,25% солик тулови

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.02.2011 йилда 2199-сонли ракам билан руйхатга олинган "Ишлатиб келинаётган тулик эскирган асбоб ускуналар учун туловни ундириш тугрисидаги низом" талаблари буйича жамиятда 2017 йил учун тулик эскирган асосий воситалар (асбоб-ускуналар) га 0,25% солик тулови хисобланмаган. Холбуки, жамиятда 1 697 495,0 минг сумлик 100 фоиз эскирган, ишлатилиб келинаётган асбоб-ускуналар колдиги мавжуд булиб, уларга 0,25 фоиз ставкада 4 243 337 сумлик солик хисобланиши лозим эди.(Илова № 27)

Аудит текширувлари натижаси буйича тулик эскирган асосий воситалар (асбоб-ускуналар) га 0,25% солик туловидан 4 243 337 сум кушимча хисоблашга ёзилди.

Ягона ижтимоий тўлов ва фукароларнинг бюджетдан ташкари Пенсия жамгармасига суғурта бадалларини тахлили

